




# МУРАДАЙИМ ХЭМ

# ҮЗЛИКСИЗ БИЛГИМДЕНДИРИҮ

илимий-методикалық журнал № 3/2



Нөкис - 2021

# МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 3/2 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

Редактор:  
**A. Тилегенов**

Редколлегия ағзалары:  
Максет АЙЫМБЕТОВ  
Нагмет АЙЫМБЕТОВ  
Кенесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ  
Өсөрбай ЭЛЕУОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кенесбай Даулетяров  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАЙПЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дүстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириүшилер:  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендіриү**  
**Министрлігі, ӨЗПИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинеті  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарары менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм  
хабар агентлиги тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-саналы гүйалық  
берилген.  
Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: uznipnkf@mail.uz,  
mugallim-pednauk@mail.uz  
[www.mugallim-uziksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uziksiz-bilim.uz)

Журналга келген мақалаларға жеүап қайтарылмайды, журналда жетрояланған мақалалардан  
алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендіриү» журналынан алыны, деп корсетилиғи  
шарт. Журнала 5-бет колеміндеғи материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шириф-  
тіндегі электрон версиясы менен бирге қабыл етіледі. Мақалада көлтирилген мәглүмәттердегі автор  
жекуапкер.

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Хожиев Р. Б., Норбоева Д.О. Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари .....	4
Ismatov U.Sh. Bo‘lajak tasviriy san’at o‘qituvchilarini turli grafik materiallarda ishlashga o‘rgatish (tempera bo‘yog‘i misolida) .....	12
Berdiyorov O. Tasviriy san’at va chizmachilik darslarida o‘quvchilar duch keladigan ayrim masalalarning amaliy faoliyatdagi yechimlari .....	15
Baymetov B.B., Xamroqulova M. Talabalarni boshshaklini tasvirlashga o‘rgatishda konstruktiv qurilish qonuniyatlardan foydalanan texnologiyalari .....	18
Abduxamidov S.M., Shadiyev A.Ya. Sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning bugungi kundagi o‘rni .....	22
Ismatov U.Sh. Rangtasvir mashg‘ulotlarida maishiy janning ifodalanishi .....	25
Марасулова И.М., Зулфиев Р.Н. Ўкувчилар таълим-тарбияси жараённида тасвирий санъат ўқитувчининг ўрни .....	28
Абдуллаева Г.С. Формирование ключевых компетенций у студентов с особыми образовательными потребностями через применение ИКТ .....	31
Мухитдинова М.С. Нуткода оғир нұксони бор болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни олиб борища мусика машгүлотларнинг имкониятлари .....	35
Султанов X.Э., Марасулова И.М., Юнусова К.Х. Педагогик инновацион кластери: Чирчик тажрибасининг илк натижалари .....	37
Султанов X.Э., Махмудов М.Ж. Ўкувчиларни тасвирий санъат фанига кизиктиришдаги ўқитувчининг маъсулияти .....	42
Kayumov X. A., Ko‘kiyev B. B. Quruvchi muhandislarni tayyorlashda muhandislik grafikasi ta’limini kompyuter texnologiyasi bilan integrasiyalash .....	46
Махмудова М.Т. Развитие музыкальной тематики и ее актуальность в изобразительном искусстве Узбекистана .....	48
Марасулова И. М. Эстетическое воспитание молодежи для общества .....	52
Sobirov S.T. Bolalar uchun nashrlarda illyustratsiyalarning vazifalari .....	54
Sobirov S. T. Talabalarda yuksak axloq, kasbga sadoqat kabi insomiy fazilatlarni shakllantirish va ma‘naviy-ma‘rifiy ishlar samaradorligini oshirishda to‘garaklarning o‘tni .....	59
Муратов X. X. Ўкув жараённида мустақил таълимни ташкил этиши ва бошқаришининг долзарблиги .....	61
Атаханова С.О. Масофали ўқитиш технологиясининг чизмачиликни ўқитишдаги амалий аҳамияти .....	65
Атаханова С.О. Чизмачилик фани бўйича ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиши омиллари .....	69
Султанов X.Э. Таълим муассасалари хамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиши .....	73
Ko‘kiyev B.B. Yordanchi proyeksiyalash usulidan foydalaniyb yaqqol tasvir qurish .....	76
Махмудова М.Т. Влияние музыки на изобразительного искусства .....	81
Махмудова М.Т. Роль и значение музыки в воссоздании изображения .....	85
Ko‘kiyev B. B., Mahmudov M. J. Ijodkorlikni rivojlantirish chizama geometriya fani misolida .....	88
Ko‘kiyev B. B., Qozoqboyeva D. T. Yordamchi proyeksiyalash usuli orqali yechiladigan masalalar .....	91

<b>Jumayev I.O.</b> Chizmalarni AutoCAD dasturida chizishda dasturning mayjud murakkabliklarini qo'llda chizishga moslashtirish (o'rgatish) usullari .....	94
<b>Jumayev I.O.</b> Muhandislik grafikasi fanlarida uch o'lchamli fazoni Auto CAD dasturidan foydalanib qo'llash usullari va ahamiyati .....	99
<b>Xalimov M., Bekqulov Q.</b> Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyatি .....	102
<b>Bekqulov Q.Sh.</b> O'quvchilar yo'l qo'yadigan tipik xatolarni tizimga solish va prognoz qilish oldini olish choraları .....	105
<b>Bekqulov Q.Sh., To'laganova H.</b> Muhandislik grafikasi fanlarida talabalar chizma bajarishda yo'l qo'yadigan tipik xatolar .....	107
<b>Bekqulov Q.Sh., To'laganova H.</b> Chizmachilik fanidan o'quvchilarning fazoviy tasavvurini oshirishda tugallanmagan chizmalardan foydalanish .....	111
<b>Bekqulov Q.Sh., Boizaqova Sh.A.</b> Muhandislik grafikasi fanlarini boshqa fanlar bilan bog'liqligi .....	113
<b>Boizaqova Sh.A., Bekqulov Q.Sh.</b> Ko'rinishlar mavzusni tushuntrishda detal modelini o'ziga qarab o'rganishning ahamiyat .....	117
<b>Анкабаев Р. Т.</b> Таасирий съянатда машгулотларидаги иллюстрация ўргатишнинг аҳамияти .....	120
<b>Бахриев И.С.</b> Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанининг назарий асослари .....	122
<b>Атажанова Р. Р.</b> Возможности уроков изобразительного искусства в развитии творческих способностей младших школьников .....	126
<b>Бахриев И.С.</b> Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанини ўқитилишининг амалиётдаги холатини ўрганиш .....	128
<b>Xalimov M.</b> Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyatি .....	133
<b>Achilov N. N.</b> AutoCAD dasturi yordamida talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish yaqqol tasvirlarni bajarish asosida .....	136
<b>Анкабаев Р.Т., Миржалилов М. Б.</b> Таасирий съянатда машгулотларидаги миниатюранни ранг тасвирини ўргатишнинг аҳамияти .....	141
<b>Achilov N. N.</b> Ko'rgazmali qurollardan foydalangan holda talabalarda ijodiy qobiliyat va dars samaradorligini oshirish yo'llari .....	145
<b>Saydaliyev S.S., Nig'manov B.V., Achilov N.N.</b> Arxitekturada inson va fazo .....	149
<b>Ҳожиев Р. Б. Норбоева Д.О.</b> Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мавжудлигининг онтологик асоси .....	155

Ушбу маколада, масофали ўқитиши технологиясининг ҳозирги замондаги таълим – тарбия жараёнини ташкил этиши учун бўлган катта имкониятлари ва аҳамияти ҳақида фикрлари ёритилган.

Шунингдек, бу методни кўлланишида, ўқитувчининг фаолияти нималардан иборат бўлиши, талабаларнинг билим олиш фаолиятида нималар ўзгариши ҳақида фикрлар хам берилган.

Чизмачилик фани бўйича талабаларга машгулотларни масофали ўқитиши технологияси асосида ташкил этишига яққол мисол келтирилган.

В статье освещены точки зрения автора по одной из современной передовой педагогической технологии – технологии дистанционного обучения. Также, приведена точка зрения о деятельности преподавателя при внедрении данной технологии в учебный процесс и даны взгляды по изменению деятельности студентов при применении данной технологии обучения.

Приведены конкретные примеры по черчению о том, каким образом организовать занятия в условиях применения в учебном процессе дистанционного метода обучения.

The article highlights the author's point of view on one of the modern advanced pedagogical technologies – the technology of distance learning. The author also gives a point of view about the activity of the teacher when implementing this technology in the educational process and gives views on the change in the activity of students when using this technology of teaching.

Specific examples of drawing on how to organize classes in the context of using the distance learning method in the educational process are given.

---

## ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

*Атаканова С.О.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти,  
“Тасвирий санъат” кафедраси ўқитувчи*

**Таяинч сўзлар:** чизмачилик, анъанавий усул, муаммоли вазият, таббий муаммо, сунъий муаммо, замонавий таълим, муаммоли таълим технологияси, педагогик ва методик муаммо ва тавсиялар, мустакил фикрлар, натижадорлик, мустакил изланиш, билиш жараёни, мустакил қарор қабул килиши.

**Ключевые слова:** черчение, традиционный метод, проблематичное положение, естественная проблема, искусственная проблема, современное образование, педагогическая и методическая проблемы и рекомендации, самостоятельное мышление, результативность, самостоятельный поиск, процесс познания, самостоятельное принятие решения.

**Key words:** drawing, traditional method, problematic situation, natural problem, artificial problem, modern education, pedagogical and methodological problems and recommendations, independent thinking, effectiveness, independent search, cognition process, independent decision-making.

Замонавий таълимни ташкил этишига қўйиладиган муҳим талаблардан бири, бу ортиқча рухий ва жисмоний кучларни сарф этмасдан, кисқа вақт ичидаги юксак натижаларга эришишдан иборатdir. Таълим бериш жараёнидаги замонавий самарарадор ўқитиши технологияларидан бири – бу муаммоли ўқитиши таълим технологияси хисобланади. Муаммоли таълим технологияси ижодий, фаол шахс тарбиясининг мақсадларига тўлиқ мос келиши билан характерлидир.

Муаммоли таълим технологиясини тавсифловчи элементи сифатида муаммоли вазиятни кўрсатиш мумкин бўлади. Муаммоли вазиятнинг белгилари эса қўйидагилар хисобланади:

- ўқувчидаги нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши;
- топширикларни бажариш учун ўқувчига бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиш машакқатини ҳал қилишда, уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммо кўйидаги учта таркибий қисмдан иборат бўлади:

- маълум (берилган топшириқ асосида),
- номаълум (уларни ҳал қилиш, янги билимларнинг шакллантирилишига олиб келади) ва
- аввалги эгалланган билимлар (ўқувчининг шахсий тажрибаси).

Булар номаълумни топишга йўналган кидирув ишларини амалга ошириш учун зарурдир.

Даставвал ўқувчига номаълум бўлган ўқув муаммосининг вазифаси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуслари ҳамда натижаси ҳам номаълум бўлади, лекин ўқувчилар ўзларидаги аввалги эгалланган билим ва кўнкимлар базаларига асосланиб туриб, кутилган натижа ёки қўйилган муаммонинг ечиши йўлини излашга тушадилар.

Муаммоли вазиятда ўқитишида, ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этади, шундагина ўқувчилар фанларни таҳлил қилиш асосида, мустақил равишда, интеллектуал машакқатларни ҳал қилиш, хулоса чиқариш ва умумлаштириш, қонуниятларни шакллантириш, қўлга киритилган билимларни янги вазиятга татбиқ этишига интилишади.

Ўқитувчи муаммони ечиш усусларини излашни ташкил этишга ўтар экан, даставвал биринчи муаммоли вазиятни тасвирлаб беради (баён киласи), сўнг муаммоли саволларни қўяди ва олинган жавобларни мухокама қилиб, ўқувчиларнинг бу муаммони ечиш усулини излашга, яъни биринчи оралиқ хulosани қидиришга ундайди. Муаммоли вазият амалий машқ бажариш ёки тегишли масалани ечишда вужудга келади.

Муаммоли таълим, янги билим ва маълумотлар, мисол ва масалалар, таълимий тестлар тизимидан иборат бўлиб, уларни ҳал қилиш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолияти шакллана боради.

Чизмачилик фани бўйича машғулотларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, ўқитувчи учун мураккаб бўлган вазифалардан бири ҳисобланади. Кузатишларнинг кўрсатишича, кўпинча чизмачиликдаги анъанавий усуслда ўтилган дарсларда ташаббус факат ўқитувчининг томонида бўлади, яъни бундай ҳолатда, ўқитувчининг ўзи машғулотнинг максадини қўяди ва ўзи қўйилган топширикнинг ечиш йўлини кўрсатиб беради.

Бундай таълим шароитида ўз – ўзидан маълумки, ўқувчиларнинг мустақил, мантикий фикрлашлари учун имконият умуман яратилмайди, ижодий фикрлашга эса ўрин ҳам қолмайди, ташаббус умуман талаб этилмайди. Буларнинг натижасида ўқувчининг фаолияти қатъий равища чекланиб қолади. Демак, ўз - ўзидан маълумки, бундай ташкил этилган фаолият кутилаётган натижани беролмайди.

Чизмачилик фанининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бу фаннинг ўқитилишида, турлича ёндошувлар имконининг кўплигидадир. Ўқувчиларнинг фазовий тасавурларини ва уларнинг график тафаккурини ривожлантириш, Чизмачилик фанининг асосий ўзагини ташкил қиласи.

Чизмачилик фанида муаммоли вазиятлар табиий ҳосил бўлиши ёки сунъий яратилиши ҳам мумкин. Масалан, геометрик ясашларда айланани тенг олти қисмга бўлиб, мунтазам олтибурчак ясалганда, олтибурчак томонларининг баъзилари кичикроқ ёки каттароқ ҳосил бўлиб қолиши мумкин. Нима сабабдан шундай бўлди экан. Ана шунда табиий муаммо келиб чиқади. Бу муаммонинг сабабини излаш орқали уни бартарафа қилишга тўғри келади. Бунинг учун эса, қаерда хатога йўл қўйилди ва бунга сабаб нима деган саволга жавоб топиш лозим бўлади.

Изланишлар натижасыда айланнаның марказий чизиклери ўзаро перпендикуляр әмас-лиги аникланади. Қайта чизилганды эса, натижә түғри чиқади. Яна бир мисол, ўқувчилар кесим мавзусы бүйічка мустакил машғұлот бажараётгандарыда, уларнинг баъзилари стандартта жағоб бермайдыган муаммолар көлтириб чиқаришиади. Уларнинг бу график ишларидаги муаммоларни күриш мүмкін (1 - чизма). Бажарылған кесимлар таҳлил қилингандан кейин қуйидаги хулосага келиш мүмкін.

1. Кесими бажарыладын геометрия жисмні ҳамма ўқувчилар түғри тушунишган.

2. Сиртдеги ўйік (киркиб олинған жой)ни баъзи ўқувчилар яхши идрок кила олишмаган. Шу сабабдан хатога йўл қўйишган. Бу муаммо қандай вужудга келди экан. Ҳар томонлама таҳлил қилингандан кейин қуйидаги хулосаларга келиш мүмкін бўлади:

А. Ўқувчи томонидан кесим мавзусини ўтишда стандарт талаблари тўлиқ ва батағсил тушунтирилмаган ёки тушунтириш жараёнида баъзи элементларга эътибор берилмаган.

Оқибатда ўқувчиларда турлича тушунчалар шаклланган.

Б. Дарс жараёни кизикарли, ҳаяжонли ўтмаган. Стандарт тала-бларига эътибор берилмаган.

С. Баъзи ўқувчилар дарсда зерикканидан мавзуга эътибор беришмаган.

Д. Дарс мустахкамланмаган, яни ўқитувчи томонидан савол, жағоб ёки турли педагогик омиллар ёрдамида ўқувчининг олган билим кўникмалари текширилмаган.

Ўқувчи онгода муаммоли

вазиятларни сунъий холда вужудга көлтириш орқали унинг фикрлаш фаолияти ва ўқув материалини пухта ўзлаштиришига олиб келади. Шундай қилиб, ўқувчиларда ўрганишга ҳавас уйғотиши, изланиши ва кидиришига етакладыган масалани ениш жараёни билан боғлиқ бўлган интеллектуал ҳислар ва руҳий кечинмалар ҳосил қиласидаги муаммоли вазият яратиш мүмкін экан.

Вазифа қуйидаги талабларни кондира оладиган бўлсагина шу масаланинг туб моҳияти билиш муаммосига айланниши мүмкін:

1. Агар ўрганилаётган муаммонинг устида фикр юритишида, ўқувчилар учун билиш (ўрганиш) қийинчилигини туғдира олса.

2. Ўқувчиларда билиш (ўрганиш) ҳар тарафлама қизикиш уйғотса.

3. Таҳлил килиш жараёнида аввал эгаллаган тажриба ва билимларига суюниса.

Кўйида муаммоли вазият яратишга оид машқлар көлтирилади.


1. Чизмаларни чизишида қўлланиладыган ингичка чизиклар устидан бостириб чизишида – ингичка чизиқларнинг детал контурининг ичкиси томонидан ёки ташқи томонидан чизилганды, унинг умумий габаритида қандай муаммо пайдо бўлади?

2. Деталнинг чизмаси M1:1 масштабда берилган бўлса, уни M2:1 масштабга кўчириб чизилгандан кейин ўлчамлари ҳам M2:1 да ёзилса (кўйилса) қандай муаммо келиб чиқади?

3. Детал (модел)ни таҳлил қилишида ундаги геометрик жисм (сирт)ларни аниклашда қандай муаммо юзага келади?

4. Деталнинг берилган иккита кўринишига мувоғиқ унинг чапдан, яни учинчи кўринишини аниклашдаги муаммо аниклансан.

5. Аксонометрик проекцияларни ҳосил қилишида қандай муаммога дуч келинади?



6. Фронтал диметрияда айланаларни тасвиirlашда ҳосил бўладиган қандай муаммолар мавжуд?

7. Техник расм чизишдаги муаммолар аниклансин.

Бундай муаммоли вазиятни вужудга келтирувчи масалаларни кўплаб келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хуласага келиш мумкинки, демак, таълим берни жараёнида, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятларнинг яратилиши, уларда ҳар нарсанни билишга ҳавас, фахм - фаросатлилик, мустақиллик, ўқишига бўлган қизиқиши ва ижод қилишга интилиши каби шахсий хислатларни тарбиялашга ёрдам беради. Таълим – тарбия беришнинг мақсади ҳам аслида ана шу хислатларни шакллантиришдан иборатdir.

#### Адабиётлар:

1. Борисенко И. Г.Иновационные технологии в преподавании технического черчения формировании профессиональных компетенций.

Вестник Иркутского государственного технического университета. – 2019. – № 9 (67). – С. 152 – 169.

2. Исаева Т. Преподаватель как субъект качества образования. Высшее образование в России - 2016. -№4. – С. 37 - 55.

3. Рӯзиева Д., Усмонбоева М., Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомийномили ТДПУ, 2013. – 115 б.

4. Orinbaevna A. S., Mukhamatsultonova M. I., Sergeevich P. D. (2020). Psychological and pedagogical problems of spatial thinking development in drawing lessons. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (1) Part II, -p 1-5.

5. Orinbaevna A. S. (2020). Descriptive geometry and modern possibilities in the process of studying it. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (11), -p 90-94.

6. Sultanov Xaytboy Eralievich, Atakanova Svetlana Orinbayevna, Xalilov Ruslan Shavkatovich. The importance of exhibitions and competitions in organizing fine art clubs in schools. (2020). Journal of Critical Reviews, 7 (15), 2519-2523.

7. Atakhanova Svetlana Orinbaevna, Chubarova Galina Andreevna (2020). Improving the quality of teaching draft geometry in universities. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (12), Part III, -p148-151.

8. С.О.Атаханова, Г.А.Чубарова. Повышение качества преподавания начертательной геометрии в вузах. МАКТАВ ВА НАЙОТ. –№2. –2020. – 22 б.

9. С.О. Атаханова. “Чизма геометрия ва мухандислик графикаси” фанини ўқитишида модул-кредит тизими-нинг имкониятлари. Academic research in educational sciences. –№3. –2020.–1022 б.

10. S.O. Atakanova. “Chizma geometriya va chizmachilik” fani bo'yicha nazorat ishlarini o'tkazishda matnli testlardan foydalananish. Academic research in educational sciences. –№1. –2020. –151 b.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада чизмачилек фани бўйича ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда илғор педагогик технологиялардан хисобланган муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиши омиллари хакида фикрлар жамланган. Бундай ўқитиш технологиясини таълим – тарбия жараёнида самарали кўллаш оркали, ўқувчиларнинг ҳар томонлами ривожланши имкониятлари юкори бўйиши алоҳидаги таъкидланган.

Шунингдек маколада, чизмачилек фани бўйича муаммоли таълимни ташкил этиши ва уни амалий жиҳатдан йўлга кўйиш учун нималарга аҳамият берилishi зарурлиги ва бу методнинг имкониятлари якъол график мисолларда келтириб ўтилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье накоплены точки зрения автора по активизации деятельности познания учащиеся по черчению, при применении факторов использования в учебном процессе одной из передовых педагогических технологий обучения - технологии проблематического образования. Особо отмечается о том, как на учебно – воспитательном процессе эффективно использовать данного метода обучения и тем самым повысить возможности высокого разностороннего развития учащиеся.

Также, в статье приведены точки зрения и приведены в конкретных графических примерах о том, каким образом можно организовать занятия по применению данного метода обучения практически, возможности этого метода и на что обратить в первую очередь при применении данного метода.

#### SUMMARY

The article accumulates the author's points of view on the activation of the students knowledge of drawing, when

applying the factors of using one of the advanced pedagogical teaching technologies in the educational process - the technology of problematic education. It is particularly noted how to effectively use this method of teaching in the educational process and thereby increase the opportunities for high intellectual development of students.

Also, the article presents the points of view and provides specific graphic examples on how to organize classes on the application of this method of training in practice, the possibilities of this method and what to pay attention to in the first place when using this method.

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ КЛАСТЕРЛИ МОДЕЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Султанов Х.Э.

ТВЧДПИ “Тасвирий санъат” кафедраси доценти

**Таянч сўзлар:** педагогика, инновация, таълим кластери, ҳамкорлик, интеграция.

**Ключевые слова:** педагогика, инновации, образовательный кластер, сотрудничество, интеграция.

**Key words:** pedagogy, innovation, educational cluster, cooperation, integration.

Ҳозирги пайтдаги шиддат билан ўзгараётган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жараёнлар, технологиялар тараккиёти таълим тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса республикамиз таълим тизимини ҳам дунё стандартлари каторига кўшиш, таълимга янги хорижий тажрибаларга асосланган технологиялар ва усулларни татбик этишини талаб килмоқда. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев “Ватанимизни дунёнинг илғор давлатлари каторидан жой олишида энг устувор йўл – бу агарар соҳада бўладими, илм-фан соҳаси, ёки таълим тизимидами кластер тизимларининг жорий этилиши ҳисобланади” – деган эдилар. Давлатимиз раҳбари олимлар билан учрашувларида ҳам барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мухим эканлигини кўп маротабалаб таъкидлаб келади.

Ҳакикатдан ҳам, бугунги кунда жамиятнинг барқарор ривожланиши ва педагогик таълимнинг аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда Олий таълим муассасаларига қўйилаётган талаблар ҳам тоборо ўзгариб бормоқда. Бу каби замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар, уларни ҳал килиш йўллари, фан ва таълим тизимининг барча бўғинлари ўртасидаги интеграцияни таъминланиши учун узлуксиз педагогик таълимни ҳам кластер ривожланиш тизимига ўтказиш зарурати пайдо бўлди.

Таълим тизимини таҳлил килиш жараёнида илм ва таълим ўртасидаги узилиш ҳозирги пайтда жуда катта эканлиги маълум бўлиб қолди. Бундай муаммолар ечими сифатида узлуксиз таълим тизимига нисбатан янгича ёндашувлар, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиши тақозо қилинади. Юқорида билдирилган фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, соҳага инновацияларни жорий қилиш, хориж амалиётида синовдан ўтган усул ва воситаларни ижодий ёндашган ҳолда соҳага татбиқ килиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнларининг суръати ва самарадорлигини ошириш бугунги педагогикамиз олдидаги мухим масалалардан эканлиги аён бўлади. Бу долзарб ва оғрикли муаммонинг ечимини топиш учун Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан эришилган илмий, амалий ва инновацион натижаларни талаabalар аудиториясига олиб кириши зарурлиги foяси мухим вазифа сифатида майдонга чиқиб келди. Бу фоя бўйича таълим соҳасида тўпланиб қолган муаммоларнинг ечимини топиш, олий таълимга ёндошувни ва белгилangan вазифаларни тубдан ўзгартирishi, уни. “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган фоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш даги кўзланган мақсад билан уйғулаштириш ташабbusи олға сурилмоқда. Шу мақсадда институтда асосий стратег-

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан  
филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИҮ» № 3-2**  
Нөкис — 2021

Басып шығыўға жуўапкер:

*A. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*A. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 12.03.2021. Форматы 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>

«Таймс» гарнитурасында оффсет усылында басылды.

Шәртли б.т.      Нашр. т.      Нусқасы 2000. Бұйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51

